

ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ МИЛЛИЙ КИЙИМИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ САБАБЛАРИ

Юлдуз Анваровна Гайбуллаева

Тарих фанлари номзоди
Вебстер университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада хотин-қизлар масаласида совет мафкурасининг миллий-маънавий мерос ва оилавий қадриятларни инкор қилиши оқибатида аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга кенг жалб этишга йўналтирилганлиги, бу эса ўзбек аёлларининг миллий кийимлари трансформациясига сабаб бўлганлиги очиқ берилади.

Таянч сўзлар: совет даври, ўзбек аёллари, трансформация, кийим-кечак, республика моделлар уйи, миллий либос.

ТРАНСФОРМАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ОДЕЖДЫ УЗБЕКСКИХ ЖЕНЩИН

Юлдуз Анваровна ГАЙБУЛЛАЕВА

кандидат исторических наук
Вебстерский университет
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В этой статье рассказывается о том, что советская идеология в женском вопросе была ориентирована на широкое вовлечение женщин в общественное производство на основе отрицания национально-духовного наследия и семейных ценностей, что привело к трансформации национальной одежды узбекских женщин.

Ключевые слова: советское время, женщины-узбечки, трансформация, одежда, республиканский дом моделей, национальная одежда.

Иккинчи жаҳон уруши ижтимоий-маънавий ҳаёт бобида умуминсоний қадриятларнинг ўсишида бир сабоқ бўлди. Ижтимоий ҳаётда хотин-қизларни кўп ҳолда матонат, сабр-қаноат тимсоли сифатида таърифлаш урфга кирган бўлса, иккинчи томондан аёл – “тенг ҳуқуқли” меҳнаткаш, ҳар бир соҳада унга табиат томонидан инъом этилган нозик ва заиф жиҳатларни беписандлик

билан “енгилиши”, эркаклар билан тенг равишда меҳнат, машаққатларини кўтариши лозим эди. Бу ҳол аёлнинг зўриқиши, ўз ташқи қиёфасига эътиборсизликни келтириб чиқарди.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, хотин-қизлар эмансипацияси борасида қўйилган қўплаб масалалар охиригача етказилмади. Хусусан, уй хўжалигини умумлаштириш ғояси, умумий овқатланиш ҳамда умумий кирхоналар куриш режалари, мактабгача тарбия муассасаларидаги ўринларнинг етишмаслиги шулар жумласидан. Оиладаги вазифалар тақсимланишида ҳам хотин-қизлар аввалгидек ўз зиммасида икки карра оғир юкни кўтарар, ишлаб чиқариш соҳасида эса улар илгаригидек иккинчи даражали вазифаларни бажаришар эди. Шунингдек, партия ҳисоботларида ҳам хотин-қизлар ҳолатини баҳолашда патриархал ёндашув устувор эди.

Хотин-қизлар масаласидаги совет мафкураси миллий-маънавий мерос ва оилавий қадриятларни инкор қилиш асосида аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга кенг жалб этишга йўналтирилган эди. Бу эса, ўзбек аёлларининг миллий кийимлари трансформациясига ҳам сабаб бўлди.

XIX асрнинг охирида яратилган тикув машиналари меҳнат унумдорлигини ошириб, кийим деталларининг шаклини мураккаблаштирган бўлса, XX аср бошида аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаол қатнашгани боис кийимнинг вазифаси ҳам ўзгарди. Белни сиқиб нафас олишни қийинлаштириб, ҳаракатни чегаралайдиган корсет ўрнига шаклан ва конструктив жиҳатдан мукаммаллашган ич кийимлар яратилди. XX аср бошларида Европада хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилиш борасидаги ҳаракатлар кўпая борди, бу айниқса, Биринчи жаҳон уруши даври, аниқроғи, у тугаши билан кучайиб кетди. Машҳур француз модельери Коко Шанель (Габриэль Шанель) ва бошқа илғор модельерлар томонидан илгари сурилган ғоялар ижтимоий ҳаётга кириб келди. Узун, оғир, ҳашаматли либослардан воз кечиш,

сочларни кесиш, янги турмаклар мода дунёсидан қатъий урф олди. Ўттизинчи йилларда эса эркаклар костюм-шимлари ҳам аёллар гардеробидан тегишли ўзгартиришлар, услублар орқали кириб келди. Машҳур немис актрисаси Марлен Дитрих мода оламига шим кийиш услубини олиб кирди.

1950-1960 йиллардан бошлаб янги хусусиятли материаллар ассортименти кийим конструкциясига ва шаклига катта ўзгаришлар киритди.

Уруш асоратларини тугатиш, 1950 йиллар бошларидан ижтимоий ҳаётга эстетик дид билан кийиниш элементларининг кириб келиши, бошланган “илиқлик” даври шубҳасиз, умумий кийиниш маданияти, хусусан, хотин-қизлар либосларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Енгсиз, европача кўйлақлар, клёш юбкалар, “фонарик” енглар, уларга ҳамоҳанг аксессуарлар, турли тақинчоқ, тўғноғич, елпиғич, шляпалар, пошналар туфлилар урфга кирди. Гарчи шаҳарлик ўзбек аёллари ишга, ўқишга европача кийиниб борсалар-да, лекин уй шароитида аксарият хотин-қизлар, айниқса, маҳаллаларда миллий услубдаги кўкрак бурма кўйлақлар, оёқни ёпишга мўлжалланган лозимларни маъкул кўришар эди.

Эллагинчи йиллар ўртасида аёллар кийим-кечагини моделлаштиришда янги белгилар пайдо бўлди. Либос қад-қоматга тўлиқ бўйсуниб, унинг гўзаллиги, латофатини кўрсатишга мослашди. Айни пайтда миллий либос, шу жумладан, аёлларнинг ёзги кенг кўйлаги сақланиб қолаверди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кийим андозаларининг ўзгаришларини маҳаллий хусусиятлар билан бирга умумиттифоқ модасини ҳам ҳисобга олган ҳолда моделчи рассомлар белгилаб бера бошлашди. Собик Иттифоқнинг турли шаҳарларида хотин-қизларнинг кийиниш услубини белгиловчи “Модалар уйлари” вужудга кела бошлади.

Хусусан, 1959 йили Тошкентда Моделлар уйи яратилди. Бу профессионал даражадаги моделлаш санъатининг пайдо бўлганлигидан далолат берди.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент модалар уйи республикада, хотин-қизлар либосларини замонавийлаштириш, уни қулай ва мақбул кийимга айлантиришда катта хизмат қилди.

Европача русумдаги кийимларнинг кенг тарқалиши натижасида қишлоқ аҳолиси ҳам асосан европача либос унсурлари бўлган кийимга ўтишган. Кийим-кечак бўйича ёшлар ўртасидаги тафовутга руҳий омил таъсир кўрсатарди. Одатда ёшлар ҳар қандай янгиликни тез ўзлаштиришар, ўрта авлод унга эҳтиёткорлик билан ёндашиб, фақат қисмангина қабул қилар, кексалар эса янгича кийимларни мақбул деб топишмас эди. Шу сабабли айни бир андозанинг ўзи дастлаб ёшлар либосида расм бўлган унсур сифатида тасдиқланар, кейин иккинчи даражага тушиб, ўрта авлод томонидан истифода қилинар ва шундан сўнггина кексалар жавонига кириб келар эди.

Қишлоқ жойларда одатда қизлар кесмали кўкрак бурма кўйлак, дўппи ва узун лозим кийишарди. Аёлларнинг ёрқин рангли ва тўпикда тор лозими кўрпачаларда ўтириб-туришга қулай бўлган. Белда тасма камар билан боғланадиган бу либос икки хил матодан тикилган. Юқори қисми одмирок матодан бўлгани ҳолда кўйлак остидан кўриниб турадиган қуйи қисми чиройли газламадан тайёрланган. Пойчасига қопланган каштали энсиз жиякнинг охири попукли бўлган. Баъзи вилоятларда турмушга чиқмаган қизлар лозимларига жияк тикишмас эди.

XX аср ўрталарида ўта мураккаб бичимли *кўкрак бурма*, *нўғой кўйлак*, *камзор буриш*, *бурма кўйлак* каби либослар аёллар ўртасида кенг оммалашди. Кўкрак бурма кўйлак ёш аёллар, ўрта ва кекса ёшли аёллар ўртасида зиёлилар ҳамда хизматчиларнинг миллий либоси сифатида мустаҳкам ўрин эгаллади. Кийимнинг кўкрак бурма ва ёқа бичимида ўзгаришлар юз берди. Унинг олдинги ва орқа томонлари елка чизиғи бўйлаб кўкрак ҳамда курак қисмларга

ажратиб бичилиб, асосий қисмга қўшиб тикилувчи қуйи томони эса учбурчак шаклини олди.

Ёқа қайтармали бўлиб, учлари ўткир ёки айлана кўринишга кирди. Енг анъанавий равишда яхлит ва чўзинчоқ мато бўлагидан бичилар, ўришнинг бўйлама ипи ҳам у бўйлаб ўтарди.

1960 йиллардан кийим-кечакни режалаштиришга киришилди. Кийим моделлари мавсум хусусиятларидан келиб чиқиб ишлана бошланди. Шу даврдан иш кийимлари – коржомаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Модельерлар аҳоли ўртасида барқарор равишда сақланиб қолаётган ёзги либоснинг анъанавий шакли устида ҳам ишлай бошлашди.

Буюмларга нисбатан етакчи тамойил советча дид тамойили бўлиб, гўзалликнинг советча мазмуни “чиройли, аммо арзон” ифодасида акс эттирилган. Янги жамият мафкурасининг моҳиятига кўра, буюмлар инсоннинг мақомини таъкидламаслиги ва уни ажратиб турмаслиги лозим эди. Бу эса, ўз навбатида, совет жамиятида маҳсулотлар камёблиги пайтида ниҳоятда муҳим эди.

Аммо, дала этнографик материалларининг кўрсатишича, ўзбекларнинг бой ва ўрта қатламлари ўз мақомларини кўрсатиш йўлида ноёб кийим-кечакларни ва кундалик маҳсулотларни сотиб олишган ёки “қўлга киритишган”.

1960-1970 йилларда бозорни маҳсулот билан бойитиш зарурати муаммоси долзарблашди. Шу йиллардаги “турғунлик” ҳолати, сифатли ва замонавий кийим-кечакка бўлган эҳтиёж советлар мамлакатаида чет эл моллари, айниқса, либосларига бўлган эҳтиёжни кўчайтирди. Таъкидлаш жоизки, собиқ Иттифок ҳудудига чет элдан давлат буюртмасига кўра сифатли маҳсулотлар кириб келарди.

Олтмишинчи йилларда кўкрак бурма ярим овал шаклини олиб, анча қисқарди. Аёлнинг ёшига боғлиқ ҳолда кўйлакнинг умумий узунлиги ҳам қисқариб, тизза даражасида ёки ундан сал пастроқ бўлди. Энг европача кийимни бичиш қоидаларига биноан мураккаб кўринишга кирди.

Замонавийлик таъсири остида етмишинчи йилларда кўкрак бурма кўйлак калтароқ – болдир ўртасига етадиган қилиб тикила бошланди, енглар билаккача етар ва айланасимон қўлтиқ ўмизига тикиларди. Кўкрак бурмаси хилма-хил – тўғри, ярим айлана ёки учбурчак шаклларга кирди.

Бу кўйлакларнинг ёқаси қайтарма бўлиб, учлари ўткир ёки айлана шаклида бўлган. Шундан кейинги йилларда кўйлак бичими европача моданинг турли қисмлари ҳисобига бойиб борди. Бўйин ўймаси, кўкрак бурмаси ва этак турли-туман тахлар, бурмалар, қат-қат тах, бурмали ҳошия, кашта ва ҳоказолар билан безатила бошланди. Кўкрак бурмаси ва асосий қисм ҳам хилма-хил кўринишларга учради.

Шаҳар ёшлари европача мода таъсири остида, калта (баъзан тиззадан юқори), анча тор, кўкрак бурмаси уланадиган асосий қисмда бурмалари камроқ бўлган кўйлакни маъқул кўрди. Ёзги кўйлакда жуда калта ва тор енглар урфга кирди, ерда, кўрпачага ўтириладиган қишлоқ жойларида кўйлак ҳануз анча кенг ва узун қилиб тикиларди.

Шунингдек, 1966 йил 26 апрелда Тошкентда рўй берган зилзила оқибатида кўплаб собиқ Иттифоқ республикаларининг турли миллат вакиллари томонидан шаҳар қурилишида кўрсатилган ёрдам натижасида ҳам миллатлараро муносабатлар янада ривожланди. 1966 йил 7 май куни марказнинг “Ўзбекистон ССРга Тошкент шаҳрида рўй берган зилзила оқибатларини бартараф этиш бўйича шошилиш ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги махсус қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида бутун Иттифоқ бўйича Тошкент шаҳрига ёрдам кучлари кела бошлади. Жадаллик

билан бошланиб кетган тураржой қурилишлари натижасида турли миллат вакилларининг ўзаро муносабатлари маданий алоқаларнинг ўсишига, шу жумладан, либос турларининг кенгайиб боришига ҳам таъсир этди. Натижада 1960-1980 йилларга хос бўлган либосларда замонавийлик, мақсадга мувофиқлик, инсон танаси гўзаллигини кўрсатиш кабилар асосий мезон қилиб олинди, шу даврда кийим-кечакни режалаштириш жараёни давом этди. Кийим моделлари мавсум хусусиятларидан келиб чиқиб ишлана бошланди. Модельерлар аҳоли ўртасида барқарор равишда сақланиб қолаётган ёзги либоснинг анъанавий шакли устида ҳам ишлай бошлашди. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, бу даврда ип-газлама ва ипак газлама матолари тайёрлаш, модалар уйи фаолиятини янада ривожлантириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Масалан, 1977 йилда бадий техник кенгашнинг тавсиясига кўра, модельер Клименко муаллифлигида Гулистон учун модель рақами Т-1855-75 бўлган аёллар миллий либос тури яратилди. Бу тадбирларни амалга оширишда тажриба алмашишга ҳам катта эътибор берилди. Айниқса, ўзбекистонлик мутахассислар хизмат сафари билан марказ шаҳарларига чақирилиб, ёш, ўрта ёш аёллар учун янги андозалар устида ишлаш бўйича малака оширишди. Хусусан, 1985 йил 7 февраль куни Ўзбекистон тикувчилик саноат бирлашмаси (Узшвейпром) томонидан Республика кийим моделлари уйи директори И.С.Мақсудова номига хат билан мурожаат қилиниб, 1985 йил 11-12 февраль кунлари Владимир области Петушинский райони, Киржач қишлоғидаги дам олиш базасида ташкил этиладиган тикувчилик саноатининг истиқболли йўналишлари ва матоларни бадий безаш, газламалар ва тайёр буюм турлари бўйича услубий семинар учун 3 нафар мутахассис юбориш сўралди. Республика кийим моделлари уйининг 1985 йил 18 сентябрь 481-сонли қарори билан эса 3 нафар мутахассис Горький шаҳрига 5 кунлик хизмат сафарига юборилди. Шу йили 31 октябрдаги 539-сонли қарор билан 3 нафар

мутахассис – бош бадий раҳбар ўринбосари, катта конструктор, рассом модельер кабилар Олмаота шаҳрида марказ енгил саноат вазирлигининг умумий бадий-техник кенгашида иштирок этишган. Бу кенгашда 1986 йилда тақдим этилиши режалаштирилган аёллар либос турлари, кўйлак-костюм, сарафан ҳамда кексалар кийими билан таништирилди.

Республика кийим моделлари уйининг 1985 йил 9 январдаги қарори билан бош конструктор, бош бадий раҳбар, бош технолог Самарқанд шаҳридаги 8 март тикувчилик бирлашмасига янги либос моделларини яратиш учун амалий ёрдам бериш мақсадида 4 кунлик хизмат сафарига юборилган. 17 январь куни эса, Республика кийим моделлари уйининг 1985 йил 14 январдаги 5-сонли қарори билан Қарши шаҳридаги тикувчилик фабрикасига 4 нафар мутахассиснинг 10 кунлик хизмат сафари ташкил этилиб, уларга “Новинка” индекси остида эркаклар ва болалар кўйлаклари коллекциясини шакллантириш вазифаси топширилган.

70-80-йилларда эса либосларда замонавийлик, мақсадга мувофиқлик, инсон танаси гўзаллигини кўрсатиш кабилар асосий мезон қилиб олинди. 80-йиллар охирларида баъзи анъанавий кийимлар сиқиб чиқарилиб, европача кийим-кечакларнинг айрим турлари ўзбеклар орасида кенг тарқалган бўлсада аммо миллий услубдаги кийим-кечаклар ижтимоий ҳаёт, маиший турмуш тарзидан батамом сиқиб чиқарилмади. Ўзбек халқининг бой маънавий мероси, анъанавий ўтроқ турмуш тарзи миллийлик, миллий элементларни кийим жавонидан буткул чиқаришга йўл бермади. Совет даврида кийим-кечаклар одатда, европача ва миллий кийимларга бўлинган эди. Бироқ, советлар давлатининг инқироzi туфайли мамлакатда кечаётган миллий ўзликни англаш жараёнида айрим анъанавий кийим-кечаклар батамом истёъмолдан чиқиб, бошқалари эса ўз андозаларини ўзгартирди, баъзилари қисқариб кетди. 80-йилларнинг охирларида ижтимоий-сиёсий ҳаракат фаоллари, партия

вакиллари, партиялар ва диндорлар томонидан ёшлар ва аёлларнинг ташқи қиёфаси, кийиниш маданиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, замонавий кийиниш маданиятидан воз кечишга чақирилди.

Хулоса қилиб айтганда, совет давлати ҳукмронлиги йилларида тубдан янгича бичимлар пайдо бўлиб миллий кийимларга европача бичимлар киритилди, натижада анъанавий миллий кийимлар таркибида европача услубдаги кийимлар пайдо бўлди. Вақт ўтиши билан содда бичимдаги либослар ўрнини мураккаб бичимли либослар эгаллади, кийимлардаги миллийликка хос уйғунлик йўқолди. Бу кийимлар фақат кексалар орасидагина сақланиб қолди ёки маросим кийимларига айланди.

Мустақиллик йиллари дизайн соҳасига кенг йўл очилиши натижасида жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда замонавий услубдаги энг сўнгги модадаги либослар яратилди. Миллий матоларни жаҳонга олиб чиқиш имкони пайдо бўлди. Мамлакатимизнинг кўплаб либос дизайнерлари атлас, адрас, беқасам, шойи, чит ва бошқа миллий матолардан фойдаланган ҳолда, ўзбек модасини жаҳонга намоиш этдилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Горшунова О.В. Внешний облик узбекской женщины: эволюция эстетических представлений (конец XIX –конец XX в.) // ЭО. 2001. – №5. – С. 21.
2. Гурова О. Идеология тела в советской культуре середины XX в. Репрезентации телесности. // Сб. науч. статей. – Москва: 2003. – С. 181 - 193.
3. Кадышева О. Восточный наряд – дело тонкое // Правда Востока, 2010 г. 5 март.
4. Надеждина К. Узоры Великого шелкового пути // Правда Востока, 2019 года 24 июль.

5. Оқилова К. Дизайн назарияси, амалиёти ва ривожланиш истиқболи //San'at, 2014. – №3. – Б. 9.
6. Содиқова Н. Ўзбек аёлларинг миллий кийимлари // Sharq, 2007. – Б.78-92
7. Ташкент в период развитого социализма. – Ташкент: Фан УзССР, 1983. – 179 с.
8. ЎзР МДА. 2872 - жамғарма, 1-рўйхат, 259-иш, 32-варақ.
9. ЎзР МДА, 2872 - жамғарма, 1-рўйхат, 259-иш, 37-варақ.